

# Ishonch

2020 йил 5 сентябрь • шанба • № 96-97 (4382)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай, Онча борқим, Катъба вайрон бўлса, обод айлағай. Алишер НАВОЙИ

2020 5 СЕНТЯБРДАН сақлаб қолинадиган карантин чекловлари

**Республика махсус комиссиясига қарорига мувофиқ, қуйидаги карантин чекловлари сақлаб қолинмоқда.**

**Биринчидан,** фуқароларнинг жамоат жойларида ижтимоий масофани (2 метр) сақлаши, тиббий ниқобда бўлиши, бунда улар томонидан санитар талаблар бузилган тақдирда қатъий чоралар (жаримга тортиш) кўриши;

тана ҳарорати 37°C ва ундан юқори бўлган ёхуд инфекция аломатлари мавжуд бўлган фуқароларнинг жамоат жойларига чиқмаслиги;

**Иккинчидан,** супермаркет ва бошқа йирик дўконларнинг кириш-чиқш жойларини пирометрлар, дезинфекцион «тўшақлар», антисептик воситалари билан жиҳозлаш, уларга киришда ҳар бир фуқаронинг тана ҳароратини ўлчаб, 37°C ва ундан юқори бўлган ёхуд инфекция аломатлари мавжуд бўлган ҳолатда киритмаслик, ижтимоий масофани сақлаш, тиббий ниқобда бўлишини, шунингдек, ушбу объектларга киришда фуқароларни бепул тиббий кўлқоп билан таъминлаш;

буям ва қурилиш маҳсулотлари бозорлари ҳамда буямлар савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконларда санитар тозалаш ишларини ўтказиш учун ҳафтада бир кун санитар кунини эълон қилиш;

**Учинчидан,** давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарда йиғилишлар ўтказишни тақиқлаш, зарур ҳолларда йиғилишларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш;

**Тўртинчидан,** оммавий тадбирлар ўтказишни тақиқлаш;

тўйхоналар, тунги клублар, дискотека, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) ва компьютер ўйинлари марказлари фаолиятини тақиқлаш;

оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни фуқароларнинг уй-жойи ва ҳовлисининг ўзидан 30 кишидан кўп бўлмаган ҳамда санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш;

**Бешинчидан,** 65 ёш ва ундан катта ёшдаги фуқаролар ҳамда сурункали касаллиги мавжуд шахсларнинг «ўзини ўзи яқкалаш» ҳаёт тарзида яшашини тавсия этиш ва огоҳлантирувчи тарғибот ишларини амалга ошириш;

**Олтинчидан,** йўналишсиз таксиларда йўловчи ташитиш учун автотранспорт воситаси саломида ҳайдовчи ўриндиғи йўловчилар ўриндиғидан шаффоф пластик ёки махсус плёнка билан тўсилган бўлиши, ҳайдовчи ва йўловчи тиббий ниқобда бўлиши, йўловчиларни автотранспорт воситаси саломи орқа ўриндиғига ўтказиши ҳамда фақат ўз (автотранспорт воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган) ҳудудда ҳаракатланиш.

## ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Иқтисодиётнинг ресурслар базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, экологини яхшилашда ўрмон хўжалиги жуда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам охириги уч йилда бу соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз ўрмон фонди ерлари 12 миллион гектарга етказилди.

Жумладан, Орол денгизининг 1,2 миллион гектар қуриган тубида ихота дарактзорлари барпо этилди. Оборотдан чиқиб кетган 10 минг гектар ўрмон хўжалиги ерлари ўзлаштирилди, 5 ярим минг гектарда ёнғоқ, 4 минг гектарда озиқ-овқат экинлари ва доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилди. Ўрмон хўжаликларида биринчи марта 64 та биологическая ташкил этилди.

Йиғилишда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўлиги таъкидланиб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди. Соҳада хусусий секторни жалб қилган ҳолда ўрмон ерларини ўзлаштириш, йилликлик, чорвачилик, уруғчилик, қўчатчилик, туризмни кенг йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Яна 50 минг гектар ўрмонзор барпо этиб, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ҳамда Тошкент вилоятларида ёнғоқ, pista ва бодом плантациялари ташкил қилиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Мебелсозлик корхоналари хомашёнинг 90 фоизини импорт қилгандан келиб чиқиб, уларга кластер усулида павловния ва бошқа мебель боғдорлари етиштириш учун ер ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Ўрмон фонди ерларини ўзлаштиришга ҳам субсидия ва имтиёзлар жорий этиш, хусусан, суғориш насослари харид қилиш, қудуқлар экинлари ва доривор ўсимликлар қўлаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йилдан бошлаб оборотда бўлмаган ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тартиби жорий қилинди. Ҳозирги кунда 20 минг гектар шундай ер ижарага берилган. Бу ишларни давом эттириб, қўшимча ерларни оборотга киритиш ҳамда тадбиркорларга ижарага беришни кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Кўп жойларда, жумладан, Қорақўл, Ёғдўвон, Шаҳрисабз, Китоб, Поп, Чортоқ, Нуробод, Қўшрабат, Нурота, Бахмал, Форш, Узун, Бойсун, Охангарон, Бекобод туманларида ўрмон хўжалиги резервлари

ридан фойдаланиш бўйича ишлар танқид қилинди, етарлича ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Пиллачиликда озуқа базасини кўпайтириш мақсадида фермер хўжаликларида 2 минг гектар, келгуси йилда 2,5 минг гектарга тут қўчатлари экиш режалаштирилди.

Ўтган йили доривор ўсимликлар плантацияси 2 минг гектарга етказилган эди. Йиғилишда келгуси йили бундай майдонларни 5 минг гектарга етказиб, ҳосилни 8 минг тоннагача ошириш зарурлиги қайд этилди.

Хусусий секторни жалб қилган ҳолда ўрмон фонди ерларида асаларчилик, чорвачилик ва паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш бандлиқни таъминлаб, озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўрмонлар сайёҳлар учун ҳам қизиқ, ўтган йили экотуризм ва ов туризмдан жами 1 миллиард сўм тушган. Лекин бу кам. Бўстонлик туманидаги янги тизим ўрмон ҳудудларида туризмни ривожлантириш бўйича жуда катта захиралар мавжудлигини кўрсатди. Мисол учун, «Бурчмулла» ўрмон хўжалигида хусусий шериклик асосида 300 ўринлик экотуризм маскани барпо этилмоқда.

Шундай имкониятларни ишга солиб, келгуси йилда экология ва ов туризмдан даромадларни 10-15 бараварга ошириш мумкинлиги таъкидланди. Шаҳрисабз, Китоб, Бойсун, Боботўғ, Зомин, Бахмал, Охангарон, Бекобод, Далварзин, Поп, Қўқон, Қо

зоқдарё ўрмон ва ов хўжаликларида туризм масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда ўрмон хўжалиги бўйича илм-фанни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Маҳаллий пистанинг сувсизликка чидамли ва юқори ҳосил берадиган 13 турдаги янги навини рўйхатдан ўтказиб, кейинги йилдан тоғли туманларда экиш кераклиги қайд этилди.

Давлат ўрмон хўжалиги қўмитасига доривор ўсимликларни маҳаллийлаштириш учун тажриба плантациялари ва илмий марказ шунингдек, ўрмон тупроқшунлиги, «in vitro» ва уруғчилик лабораторияларини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани каби ўрмон хўжалигини ривожлантириш учун ҳам халқаро ташкилотлар маблағларини жалб қилиб, йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалаларни инобатга олиб, ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича 10 йиллик дастур лойиҳасини такомиллаштириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда Давлат ўрмон хўжалиги қўмитаси ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎзА



### Кун Нафаси

«Суд ҳоқимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасида Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида мувофиқ «Дўстлик» ордени билан тақдирланган АҚШ Давлат котиби ердэмчиликнинг собиқ биринчи ўринбосари «Echxon Mobil Corporation» халқаро ҳамкорлик бўйича катта маслаҳатчиси Элис Уэллс ва Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини инглиз тилига таржима қилган муаллиф Марк Эдвард Ризга юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Хукуматнинг 2020 йил 2 сентябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Ўзбек мақом санъати факультети» ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исмаилов Иргашев видео-конференцалоқа шаклида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги ердэм миссияси (UNAMA) раҳбари Дебора Лаэнс билан музокара ўтказди.

Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида ZOOM платформасида навбатдаги онлайн учрашув ташкил этилди. Онлайн мулоқотда Туркиянинг Мармара университетининг профессорлари Кемал Йилдиз «Фақхчилик ва сўфийлик ўртасидаги муносабат» мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди.

Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси томонидан ушбу давлат Савдо-саноат палаталари федерацияси бош котиби ўринбосари Маниш Сингхал ва федерациянинг Хотин-қизлар ташкилоти президенти Харжиндер Талвар билан видео-конференция шаклида музокаралар ўтказилди.

Нью-Йоркда Ўзбекистон савдо уйи очилди.

АҚШнинг «The New York Times» газетасининг шу йил 3 сентябрь сонидан «Reuters» агентлигига тегишли Ўзбекистонда бошланган тест синовларига оид мақола эълон қилинди.

«Ўзбекистон – ТУРКСОЙ» китобининг онлайн тақдимоти бўлиб ўтди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.



## Устувор вазифалар таҳлили, истиқбол режалари муҳокамаси

Шу кунларда ишчи-ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантирган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Курултойига қизгин тайёргарлик кетяпти.

Айтиш жоизки, тизимдаги барча бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциялари ушшоққо

лик билан онлайн тарзда ташкил этилди. Бошланғич ташкилотларга фаол ва изланувчан етакчилар сайланди.

Айни пайтда эса қизгин руҳда ўтаётган Республика кенгашлари курултойларида қасаба уюшма ташкилотларининг меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти сарҳисоб қилинмоқда.

Карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилаётган анжуманларда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳамда бу борадаги саясий-ҳаракатлар замирида инсон манфаатлари устувор бўлгани алоҳида таъкидланяпти.

2-3

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

ҚАНД ҚОҒОЗИГА ЎРАЛГАН ЗАҲАР

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшайётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

# Устувор вазифалар таҳлили,



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси қурултойида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда касаб уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келаётгани алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ҳисобот даврида тармоқ тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 192 минг 839 нафар ходим касаб уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди. Айти пайда аъзолар сони 401 минг 607 нафарни ташкил этмоқда.



## ИСЛОХОТЛАРГА КАМАРБАСТА ФАОЛИЯТ

Бугунги кунда тармоқ касаб уюшмаси юздан ортиқ давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда Куролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ижтимоий шериклик асосида ишлаб келяпти. Ҳисобот даврида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оила ишлари бўлими, Қўраб-қувватлаш вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси, Адвокатлар палатаси каби ташкилотлар билан ижтимоий шериклик алоқалари ўрнатилиб, илк марта соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилувчи тармоқ келишувлари тузишга эришилди.

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига касаб уюшмаси тизимидаги 3 минг 684 та бошланғич касаб уюшма ташкилотининг 3 минг 654 тасида, яъни 99,2 фоизда жамоа шартномалари тузилишига эришилди ва уларнинг ҳар бирига ўртача 135 тадан тадбир киритилиб, шундан 97,2 фоизи бажарилди.

Жамоа шартномалари орқали 2015 йилда ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга ойлик маошдан ташқари сарфланган маблағ миқдори 1,4 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич қарийб 2,5 баробарга оширилиб, 3,5 миллион сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даврида тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали 13 минг 869 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 4 минг 925 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оиланинг фарзандлари учун ўқув қуруллари, дарсликлар харид қилинди. Иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 557 та оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қуриш учун фойсиз ссудалар берилди. Олий ўқув юртрларида таҳсил олаётган 561 нафар талабага контракт пулининг бир қисми қоплаб берилди.

Бундан ташқари, тармоқ касаб уюшмаси 1

минг 955 та ташкилотда энг кам меҳнат ҳақи стандартларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширди. Тармоқ тизимидаги ташкилот, корхона ва муассасаларнинг бирортасида иш ҳақидан қарздорлик ҳолатига йўл қўйилмади.

2016 йил 22 сентябрда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан меҳнатни муҳофаза қилиш масаласидаги давлат сиёсатини амалга оширишда, мулк ва ҳўжалик юриштиш шаклларида қатъи назар, тармоқ тизимидаги барча ташкилот, корхона ва муассасаларда янги тартиб-қоидалар белгиланди.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчилик этиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, шунингдек, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида ҳар йил якуни бўйича «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касаб уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ва «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациялари бўйича кўрик-танловлар ўтказилди.

Мазкур кўрик-танловларда тармоқ тизимининг барча бўғинларидаги бошланғич касаб уюшма ташкилотларини жалб этишга, кўрик-танловнинг туман ва шаҳар, вилоят, республика босқичларида ғолиб деб топилган бошланғичлар иш тажрибасини оммалаштиришга алоҳида этибор қаратилди.

Республика кенгаши ташаббуси билан тармоқ тизимидаги кирувчи 41 та вазирлик ва идоралар билан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Низом ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси

га оид 138 та давра сўхбати, ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказилди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси талабларига мувофиқ, вазирлик ва идораларга киритилган тақдимномаларга асосан вазирлик ва идораларда 82 та меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги муҳандиси лавозими жорий этилди.

Ҳисобот даврида тармоқ ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши мажлиси ва раёсат йиғилишларида 11 та меҳнат муҳофазасига оид долзарб масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, ижросини таъминлаш назоратга олинди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси тизимида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқини онг ва маданиятини ошириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси органларига республика миқёсида жисмоний ва юридик шахслардан 9 минг 693 та мурожаат келиб тушди. Барчаси ўз вақтида кўриб чиқилиб, 5 минг 211 таси қаноатлантирилди, 4 минг тўрт

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси органларига республика миқёсида жисмоний ва юридик шахслардан 9 минг 693 та мурожаат келиб тушди. Барчаси ўз вақтида кўриб чиқилиб, 5 минг 211 таси қаноатлантирилди, 4 минг тўрт

Иш берувчиларга тақдимномалар ҳамда судга даъво аризаларини киритиш, мутахассис сифатида суд жараёнида иштирок этиш орқали 1 782 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, 4 миллиард 653,5 миллион сўмлик моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди.

Меҳнат кодексининг 9-моддасига асосан иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ўрганиш натижасида 394 нафар ходим фойдасига 1,2 миллиард сўмлик зарар ундирилди.

Ҳисобот йилларида давлат дастурлари ижросини таъминлашга алоҳида этибор қа-



ратилди. Хусусан, ўтган беш йилда давлат дастурларига ўн бир миллиардга яқин маблағ йўналтирилди.

Мамлакатимиз тинчлик ва осойишталигини сақлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини ходимлар, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида корхона ва ташкилотларда «Маънавият соатлари» ўтказиб келинди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида тармоқ тизимидаги 6 минг 274 та ташкилотга 6 ярим мингга яқин спорт тадбири ўтказилди.

«Спорт – соғлиқ гарови», «Соғлом оила – жамият таянчи» шiorлари остида вазирликлар, давлат қўмиталари, банклар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотлари касаб уюшма аъзолари иштирокида спортнинг шашка, шахмат, дартс, армрестлинг

ва стол теннис турлари бўйича республика спартакиадалари ўтказилиб, уларда 20 минг нафарга яқин касаб уюшма аъзоси иштирок этди.

Бундан ташқари, халқаро йўналишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Швейцария, Туркия, Исроил, Латвия, Россия, Украина, Беларусь, Малдова, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларининг турдош касаб уюшмалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Беларусь ва Тожикистон Республикаларининг турдош касаб уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Мухтасар айтганда, қурултойда ҳисобот даврида барча йўналишларда амалга оширилган ишлар атрофича таҳлил этилди. Қизгин мунозаралар, танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар остида ўтган анжуманда тармоқ касаб уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли, деб топилди.

Тармоқ ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши раислигига Анваржон Абдумухторов қайта сайланди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,  
«ISHONCH»



# ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИ



## ЮКСАЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

Мамлакатимизда авиация соҳаси ҳам замон билан ҳамқадам ривожланмоқда. Фуқаро авиациясининг барча бўғинларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича кенг қўламли мақсадли ва изчил дастур амалга оширилмоқда. Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, аэропортлардаги имкониятлар ва бошқа қўлайликларни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Фуқаро авиацияси тизимида маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича замонавий логистика йўналишлари яратилиши эса давлатимизнинг тараққиёт сари дадил одимлашига хизмат қилади, албатта. Бунинг замирида ишчи-ҳодимлар меҳнати муҳофазаси, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, уларга яратилаётган шaroитлар мужассамлашган. Авиация ходимлари касаба уюшмаси қурултойида бу борада ўтган даврда қилинган ишлар сарҳисоб қилинди.

Тармоқ тизимида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларини такомиллаштириш ва уларни амалга оширишда сўнги беш йилда юқори натижаларга эришилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази («Ўзгидромет») билан ходимлар манфаатлари ҳимояси йўлида салмоқли ишлар

муҳофазаси, саломатлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим ишлардан бирига айланди. Бу йўналишда «Касаба уюшмаси қанчаллик кучли бўлса – иш жойи шунчаллик хавфсиздир» шioriга қатъий амал қилинмоқда.

Янги иқтисодий муносабатларга мос келадиган ва бозор шароитида ишчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишонч-



лар, корхоналар ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда авиация ходимларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини изчил ҳимоя қилиб келмоқда. Ҳисобот даврида авиация ходимларидан 373 та ариза келиб тушди. Уларга ўз вақтида жавоб ва тушунтиришлар берилди.

Ҳисобот йилларида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, маданий-оммавий, спорт ишлари, туризмни ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди. Маданий-оммавий тадбирларига касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 9 426,2 миллион сўм сарфланди.

Ходимлар ва уларнинг оилалари учун республикамизнинг тарихий жойларига саёхатлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларга 2000 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим жалб қилинди. Мини-футбол, шахмат, волейбол ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказилаётган мусобақалар анъанавийлик касб этди. Биргина «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси касаба уюшма кўмитаси 30 тадан ортиқ спорт тадбирларини ташкиллаштиргани бунинг ёрқин исботидир.

Санаторийларда 3227 нафар ходим соғлигини тиклаган бўлса, оромгоҳларда ишчи-ҳодимларнинг 5512 нафар фарзанди мароқли ҳордиқ чиқарди.

Ёшлар масаласи ҳам тармоқ касаба уюшмасининг доимий диққат-марказида бўлди. Ҳар йили тармоқ бўлималарининг ёшлар етакчилари учун бир қатор мавзуларда семинарлар ташкил қилинди.


Республика кенгаши Тошкент Гидрометеорология коллежи ўқувчилари ва 5-академик лицей ўқувчилари учун ҳар йили стипендиялар таъсис этиб келмоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси халқаро алоқаларни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратяпти. Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Халқаро авиация ходимлари касаба уюшмалари Ассоциацияси (МОП Авианинг аъзоси бўлиб, алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида икки томонлама шартнома имзоланди. Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон авиация ходимлари касаба уюшмалари билан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида авиация ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамжиҳатликда иш юритиш, ижтимоий тараққиётни кучайтириш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Кейинги йилларда касаба уюшма ходимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили ўқув-амалий семинарлар ташкил этилиб, уларда касаба уюшма кўмиталари раислари, меҳнатни муҳофазаси бўйича вакиллар ва бошқа фаоллар ўқитилмоқда.

Анжуманда тармоқ Республика кенгаши ва раёсати, тафтиш комиссияси аъзолари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қурултойига делегатлар сайланди. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раислигига Шавкат Мингалиев номзоди бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.



Салим АБДУРАХМОНОВ, «ISHONCH»



амалга оширилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унга қарашли ташкилотлар негизда Президент фармони билан «Uzbekistan Airways», «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятлари ташкил этилди. Шу сабабли жорий йилнинг февралда «Uzbekistan Airports» АЖ билан тармоқ келишуви имзоланди. «Ўзаэронавигация Маркази» ДУК билан алоҳида жамоа шартномаси тузилди ва тасдиқланди.

Авиация ходимлари касаба уюшмасига аъзо бўлган барча корхона ва ташкилотлар ҳозирда жамоа-шартномавий муносабатлар билан тўлиқ қамраб олинган. Жамоа шартномалари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, 120 та жамоа шартномаси, шунингдек, уларга киритилган 80 дан ортиқ ўзгариш ва қўшимчалар экспертизадан ўтказилди. Айни пайтда Республика кенгаши таркибида 22 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, улар 19 506 нафар аъзони бирлаштирган.

Ҳисобот даврида «Uzbekistan Airways» АЖ, «Uzbekistan Airports» АЖ ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 2 баробардан зиёдга ошди. Иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши таъминлаш бугунги кунда долзарб масала бўлиб, касаба уюшмаси ҳимоя функциясининг муҳим қисмига айланиб бормоқда. Бу масала доимий назорат қилиб келинмоқда.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шартнома пулларини тўлаш учун 2 502,1 миллион сўм миқдорда ссудалар ажратилди.

Авиация ходимларининг меҳнат

ли ҳимоя қиладиган меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Ўтган даврда Республика кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича 95 дан ортиқ турли текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларнинг деярли барчаси бартараф этилди. «Энг яхши вакил», «Касаба уюшмаси кўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши комиссияси», «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этган энг яхши корхона», Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши ёш мутахассис» танловлари уюштирилиб, уларда ҳар йили ўртача 50 нафар вакил иштирок этди. Ҳодимлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Корхона ва ташкилотларда иш берувчи билан биргаликда хавфсизликни таъминлаш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Корхоналарда меҳнат қонунчилигига риоя этиш масалалари раёсат йиғилишларида тизимли равишда кўриб чиқилиб, муҳокама қилиб борилди.

Бугунги кунда юридик хизматларни такомиллаштириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текширишлар ўтказилиб, ўтган даврда 231 ҳолатда меҳнат қонунчилиги бузилиши аниқланди. Барчасини бартараф этиш чоралари кўрилди. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир касаба уюшма кўмитасида ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича комиссиялар фаолият юритмоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси иш берувчи-



**Наманган вилояти**  
Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида «Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик» мавзусида вебинар ўтказилди.



## Вебинар мавзуси: МАЖБУРИЙ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИ

«Зот» дастури орқали бўлиб ўтган тадбирда вилоят ҳокимлиги, Мактабгача таълим бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгашидан бир гуруҳ вакиллар иштирок этишди.

Вебинарда ХМТнинг «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари» бораҳам бериш ва тақиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 182-Конвенцияга алоҳида тўхталиб ўтилди. Ушбу Конвенция республикамиз томонидан 2008 йил 8 апрелда ратификация қилинган бўлиб, бу тарихий ҳужжат мамлакатимизда мавжуд болалар меҳнатига бораҳам беришдаги энг катта қадам бўлди десак, тўғри бўлади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 12 июнь санаси – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш кунидеяси, деяр расман эълон қилинганга 18 йил тўлди. Ер юзи бўйлаб болаларнинг ҳар қандай кўринишдаги оғир меҳнати тақиқланганига қарамай, ҳозир ҳам дунё бўйича ишлаётган 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар сони 218 миллион нафарни ташкил этади. Шулардан 152 миллиони замонавий кўринишдаги эксплуатацияга учраган бўлса, яна 73 миллиони ҳаёт учун хавфли бўлган меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келаётган болаларнинг сони бўлиб қолган.

– Ўтган йиллар мобайнида юртимизда болалар меҳнатига қарши курашиш бўйича бир қатор самарали ишлар амалга оширилди, – дейди Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Қаҳрамон Содиков. – Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга бораҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ишлар янада кучайтирилди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган қоидаларга кўра, миллий қонунчиликда 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан мазкур тоифа ходимларининг соғлиғига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, шунингдек, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш тақиқланган.

Орагул РУСТАМОВА, «ISHONCH»

Шу билан бир қаторда банкларда миқозларнинг оралиқ масофани сақлаш, кассада ишловчи ходимларнинг махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситаларидан тўлиқ фойдаланмасдан хизмат тадбирларининг қўлланиши шароитида вақтинчалик санитария қоида ва меъёрлари тушунтирилди.

Ушбу ҳудудлардаги корхона ва ташкилотларнинг кириш жойида дезинфекция тунели ўрнатилиб, масъул ходим бириктирилган. Тана ҳарорати меъёрида бўлган ходимлар иш жойига қўйилмоқда. Барча ходимлар антисептик воситалари, юз ниқоблари, махсус кийим-шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Шу билан бир қаторда банкларда миқозларнинг оралиқ масофани сақлаш, кассада ишловчи ходимларнинг махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситаларидан тўлиқ фойдаланмасдан хизмат тадбирларининг қўлланиши шароитида вақтинчалик санитария қоида ва меъёрлари тушунтирилди.

Барча ташкилотларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган хавфсизлик бўйича таъсирлар ва эслатмалар тарқатилди.

Икром ЖАББОРОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти бўйича Меҳнат техник инспектори



## ЖАМОАТЧИЛИК МОНИТОРИНГИ: карантин талабларига риоя этилмоқдами?

Жиззахда карантин талабларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик мониторинги ўтказилмоқда.

Вилоятнинг Арнасой, Дўстлик ва Янгиобод туманларида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар иш берувчилари ҳамда ишчи-ҳодимларига COVID-19 пандемияси даврида чеклаш тадбирларининг қўлланиши шароитида вақтинчалик санитария қоида ва меъёрлари тушунтирилди.

Ушбу ҳудудлардаги корхона ва ташкилотларнинг кириш жойида дезинфекция тунели ўрнатилиб, масъул ходим бириктирилган. Тана ҳарорати меъёрида бўлган ходимлар иш жойига қўйилмоқда. Барча ходимлар антисептик воситалари, юз ниқоблари, махсус кийим-шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Шу билан бир қаторда банкларда миқозларнинг оралиқ масофани сақлаш, кассада ишловчи ходимларнинг махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситаларидан тўлиқ фойдаланмасдан хизмат тадбирларининг қўлланиши шароитида вақтинчалик санитария қоида ва меъёрлари тушунтирилди.

Барча ташкилотларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган хавфсизлик бўйича таъсирлар ва эслатмалар тарқатилди.

Икром ЖАББОРОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти бўйича Меҳнат техник инспектори

## Ҳисобот-сайлов конференцияси

Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг конференцияси бўлиб ўтди. «Zoom» дастури асосида ташкил этилган анжуманда сўнги беш йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Таъкидландики, касба уюшмалари афзалликларини тарғиб қилиш юзасидан амалга оширилган тизимли ишлар натижасида ҳисобот даврида 16157 та нодавлат секторига мансуб ташкилот касба уюшмасига жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган 68854 нафар ходим ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазага олинди. Касба уюшма фаоллари ўқувига, айниқса, биринчи бор сайланган ва янгидан касба уюшмаси тузилган ташкилотлар фаолларининг малака ва тажрибасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда ташкил этилган ўқув-семинарларда 14 минг нафардан ортиқ етакчи иштирок этди.

Бундан ташқари, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиб, қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2015 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича қарийб 11 миллиард сўм миқдоридан ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи тўлаб берилишига эришилди. Аммо мазкур муаммо ҳали тўлиқ ўз ечимини топгани йўқ. Шу йилнинг 1 август ҳолатида вилоят бўйича 4 миллиард 937,1 миллион сўм мuddати ўтган қарздорлик аниқланди. Шундан «Косон нефт-газ қудуқларини синаш» АЖДа 2186 миллион, «Қашқадарё технологик транспорт» АЖДа 1520,2 миллион, «Қашқадарё пармалаш ишлари» АЖДа 1200 миллион ва «Минора қурилиш экспедицияси» АЖДа 1250,4 миллион сўм, вилоят «Ис-сиклик манбаи» ОАЖДа 562,5 миллион сўмлик иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорлик сакланиб қолмоқда.

Ушбу муаммога янгича ёндошиш мақсадида иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорликка йўл қўйган нефт-газ ва геология тармоғининг вилоятдаги корхоналари иш берувчилари билан қарздорликни қисқартириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белги-ланиб, «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш таш-

килотлари тармоғи тизимидаги вилоят «Ис-сиклик манбаи» АЖДа ходимларга ўз вақтида тўланмасдан келинаётган иш ҳақини суд тартибда ундириш чоралари кўрилмоқда.

Қайд этилдики, ҳар йили ўтказиб келинаётган «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови»нинг тармоқ босқичида вилоятдан 80 та корхона, ташки-

лот ва муассаса иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллади. Ҳисобот даврида ходимлардан ташадиган мурожаатларни кўриб чиқиш самарадорлиги ҳам ошди. Яъни, бирлашма кенгаши ҳуқуқшунослари томонидан 1100 га яқин корхона, ташки-

**Корхона ва ташкилотларда ишловчи 21134 нафар ходим ва уларнинг яқин қариндошлари санаторийларда имтиёзли дам олдирилди. Вилоятда ҳар йили ёзги соғломлаштириш мавсумида фақат стационар типдаги оромгоҳларнинг фаолияти йўлга қўйилгани эътиборлидир. Жумладан, ҳисобот даврида меҳнаткашларнинг 112796 нафар фарзанди соғломлаштирилди.**

лот ва муассаса иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллади.

Ҳисобот даврида ходимлардан ташадиган мурожаатларни кўриб чиқиш самарадорлиги ҳам ошди. Яъни, бирлашма кенгаши ҳуқуқшунослари томонидан 1100 га яқин корхона, ташки-

лот ва муассаса иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллади.

лот ва муассаса иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллади.

дан 3 миллиард 336 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Эътироф этиш ўринлики, сўнги йилларда касба уюшмаларининг фаолияти шаклан ва мазмунан кенгайди. Масалан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

2017 йилда вилоят бўйича 90 нафар фуқарога 293 миллион 159 минг сўмлик тиббий хизмат кўрсатилиб, 1665 та оилага 1 миллиард 678 миллион 167 минг 500 сўмлик маиший тех-



## ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ МАСЪУЛИЯТИ

Ўз навбатида вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг сўнги беш йилдаги фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг ҳам ҳисоботи тингланди.

Шундан сўнг ҳар иккала ҳисобот юзасидан музокаралар жараёни бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан Таълим, фан маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев бирлашма фаолиятига қониқарли баҳо бериб, педагогларни соғломлаштириш самарадорлигини янада ошириш учун Федерация кенгаши раҳбариятига вилоятда дам олиш маскани қурилишига эҳтиёж борлигини таклиф сифатида айтиб ўтди.

Агроекономика мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг масъул ташкилотчиси Илҳом Сабдаров кластер ҳужаликларининг агроекономика мажмуи тармоғида бирлашиши борасидаги таклифини билдирди.

Шундан сўнг конференция ишида қатнашган Қашқадарё вилояти ҳокими Зоир Мирзаев сўз олиб, сўнги йилларда касба уюшмалари мамлакатдаги жамоат ташкилотларининг локомотиви айланганини эътироф этди.

Вилоят ҳокими ўз навбатида кўп йиллардан буён соҳа ривожига бемисл ҳисса қўшиб келаётган Эсон Ражабовни эҳтиром ва миннатдорлик белгиси сифатида тўн ва қимматбахо совға билан тақдирлади.

Конференция ишида қатнашган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев вилоятда касба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишлар бошида турган Эсон Ражабовга ЎзКУФКнинг фахрий ёрлиғи ҳамда совғасини топширди.

Ўз навбатида Эсон Ражабов ҳам юксак эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Анжуманда делегатлар вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг янги таркибини ҳам сайлаб олишди.

Бахтиёр Жўраев бир овоздан Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раислигига сайланди.

**Бахтиёр Жўраев 1962 йилда Косон туманида туғилган. Меҳнат фаолияти давомида Косон тумани ёшлар кўмитаси йўриқчиси, ташкилий ва кадрлар иши бўлими мудири, кўмитанинг биринчи котиби вазифаларида ўз ташкилотчилигини намойиш этган. 1993-1996 йилларда Косон тумани касба уюшма кенгашини бошқарган. 1996-1998 йилларда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар иши бўлими мудири ўринбосари, мудири, 1998-2008 йилларда Қарши темир йўл фуқаро инфоотларини куриши ва таъмирлаш корхонаси бошлиғи, 2005-2006 йилларда «Қарши-Термиз» минтақавий темир йўл узели капитал қурилиш бўлими бошлиғи, 2006-2009 йилларда шу темир йўл узелида касба уюшма ҳудудий кўмитаси раиси бўлиб ишлаган. 2009-2017 йилларда Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Омонхона» бальнеологик даволаш маскани директори сифатида ишлаб, шифобахш сиҳатгоҳнинг нуфузини оширган, бу ерда аҳоли саломатлиги учун қўлай шарт-шароитларни яратишга ўз ҳиссасини қўшган. 2017-2018 йилларда «Қашқадарё йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонаси директори лавозимида ишлаган бўлса, 2018 йилдан ҳозирги вақтгача эса Қашқадарё йўл қурилиш таъмирлаш унитар корхонаси раҳбари сифатида иш юритган.**

Вилоят касба уюшмаларининг фидойи кайвониси Э.Ражабов раис маслаҳатчиси сифатида фаолият юри-тадиган бўлди.

Конференцияда ЎзКУФК Фулултойига делегатлар ҳам сайланди.

Акmal АБДИЕВ,  
«ISHONCH»



Ифтихор ШУКУРОВ олган суратлар.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли «Зиё чашмалари» оромгоҳида 2018-2019 йиллар давомида 17 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилиб, оромгоҳ бутунлай янги қиёфага келтирилди.

«Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшовчилар ҳолидан доимий равишда хабар олиниб, уларга сўнги беш йилда 23,5 миллион сўмлик ҳоимийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Жамоа шартномаларига имтиёзлар киритиш орқали ҳисобот даврида 121 минг 223 нафар ходимнинг диққатга сазовор жойларга саёҳатлари уюштирилди.

Мазкур мақсадлар учун иш берувчилар ва касба уюшмалари ҳисоби-

ника воситалари олиб берилган бўлса, 150 та оиланинг уй-жойини таъмирлаш учун 1 миллиард 482 миллион 26 минг 500 сўм сарфланди.

**Эътироф этиш ўринлики, сўнги йилларда касба уюшмаларининг фаолияти шаклан ва мазмунан кенгайди. Масалан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.**

бўйича шаҳар ва туманлар дастурлари ижросида ҳам касба уюшмалари фаоллари камарбаста бўлишмоқда.

### Орамиздаги одамлар

## ГУЛ ҚАТИДАГИ МАЛҲАМ

Бу оилада авлоддан авлода ўтиб келаётган анъана ҳисобланади. Муҳаббат Аъзамова Юнусобод туманидаги 96-мактабда қарийб 35 йил ўқувчиларга математика фанидан дарс берган. Нафақага чиққач, турмуш ўртоғи билан оилавий тадбирликни йўлга қўйишди. Ҳозирги кунда улар 5 сотихлик ҳовлида атиргулдан гулқанд маҳсулотини тайёрлашмоқда. Муҳаббат опа бу шифобахш маҳсулотнинг тайёрланиш сирларини қайнонаси Муҳтарамхон Офтобхўжаевдан ўрганган.

Мутахассисларнинг эътирофи эитишча, атиргул тожбарглари таркибида жуда кўп миқдорда С ва К витаминлари, модда ал-машини вага қатнашувчи, орга-

низмга озуқа моддалари сўри-лишда ёрдам берувчи ҳамда организмнинг инфекцияларга қарши курашувчанлигини оши-рувчи калций, юрак фаолияти бир маромда ишлашига ёрдам берувчи калий, организмдаги ички секреция безлари ишини яхшиловчи, қалқонсимон без фа-олиятини яхшиловчи, қон томир-ларини кенгайтирувчи магний, ёшартирувчи селен, цинк, мар-ганец, фосфор, хром, молибден, кремний, ваннадий моддалари мавжуд.

Атиргул таркибидаги эфир мойи эса асосий даволувчи восита ҳисобланади. У иммун ва асаб тизимини мустаҳкамлаб, ҳу-жайраларни ёшартиради. Ундан

ошқозон ва ичак ярасини даво-лаш, танани токсинлардан то-залаш, қонни суюлтириш ва то-залаш, ҳазм қилиш, иштаҳани очиш, балғам қўчириш, йўтални тўхтатиш мақсадида фойдалани-лади.

Гулқандни мижоз совуқлиги ошган пайтда истеъмол қилиш яхши самара беради. У қандли диабетни бор инсонларга тавсия этилмайди. Уни тонгда оч қоринга бир чой қошиқда, кечкурун ҳам шу миқдорда тўқ қоринга истеъ-мол қилиш лозим.

– Турмуш ўртоғимни йўтал, аллергия қийнади. Жигдони қайнар, қони қуюқ эди. Гулқанд ўт пуфаги, анемия, панкреатитга фойда қилди, – дейди олмалиқ-

лик Барно Ортиқбоева. Айна пайтда оилавий тад-биркорлар бу шифобахш маҳ-сулотни кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уни хорижий дав-латларга экспорт қилишни режа-лаштирмоқда. 2018 йилда бўлиб ўтган «Ўзбекистон аёлларининг 100 та инновацион лойиҳаси» кўрик-танлови ва бошқа кўлаб кўргазмаларда қатнашиб, муно-сиб ўринларни эгаллаб келаёт-ган тадбиркорларнинг маҳсуло-тига қизиқиш тобора ортиб бор-моқда.

Комила БОЙМУРОВА,  
«ISHONCH»



Кибрай туманида яшовчи Муҳаббат опа 71 ёш, унинг турмуш ўртоғи Талъатхон ака эса 79 ёшни қарши олган. Улар атиргул баргидан гулқанд тайёрлаш билан шуғулланишади.



Хоразм вилояти

# Аёллар кўнглига ёқилган чироқ

Хотин-қизлар муаммолари ҳудудлар кесимида ўрганилиб, уларни бартараф қилишга доир манзилли дастурлар ишлаб чиқилгани ўзоқ йиллар давомида меҳр ва эътиборга муҳтож бўлиб келган опа-сингилларимизнинг қалбидаги умид чироқларининг қайта аланга олишига сабаб бўлмоқда.

Бир муддат аввал Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси раиси бошчилигидаги Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ишчи гуруҳи Хоразм вилоятида ҳам бўлиб, ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллага кириб борган, дилда дарди бор биронта аёл эътибордан четда қолмаган эди. Ўрганишлар натижаларига кўра, вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш учун 6 миллиард 705 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган эди. Ушбу маблағларни манзилли ишлатиш юзасидан ҳар бир шаҳар, туман мутасаддилари билан ҳамкорликда 5 та йўналиш бўйича режалар белгиланган.

**Ҳўш, ушбу маблағлар чиндан ҳам манзилли ишлатилляптими? Аёллар дардига малҳам бўляптими? Хотин-қизларнинг турмушларида ўзгариш борми? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида вилоятнинг Хива ва Янгиариқ туманларида бўлиб, касабани уюшмалари кўмагидан баҳраманд бўлган аёллар билан учрашдик.**

Навбахор Саъдуллаева уч фарзандини ёлғиз тарбиялаб келмоқда. Ота-онаси гуңсоқов бўлгани сабабли Навбахорни ҳаётда қийналмасин деб, чаққон ва меҳнатсевар қилиб тарбиялашди. Бироқ тақдир синовларини енгил ҳар доим ҳам осон бўлавермайди. У ота-онаси билан Хива туманининг «Дашёқ» маҳалласидаги эски ҳовлида яшоб келаётган эди. Бу орада отасининг устига эски девор кулаб тушиб, ҳаётига зомин бўлди. Мана шундай оғир кунларни бошдан кечириб туришганида уларни касабани уюшмалари фаоллари йўқлаб келди. Навбахор кўнглини бўшатишга баҳона топиладиган фойдаланиб, ичидоғиларни тўкиб солди.

«Сизга, албатта, ёрдам берамиз» деган ваъдага аёл унчалик ишонмаган бўлса ҳам, дардини айтганидан мамнун эди. Орадан кўп ўтмай хонадонга туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддилари келишди. Олийҳиммат инсонлар кўмағида ушбу оила учун янги уй қурилиши бошланди. Касабани уюшмалари ҳисобидан соғин сизир берилди.

— Очиғи, ҳаётимиз бунчалик тез ўзгаришини

кутмагандим, — дейди Навбахор. — Янги йилни янги уйда кутиб олиш ҳаракатидамиз. Қўшниларимиз бизга берилган сизир бозорда 10 миллион сўмдан қимматлигини айтишди. Ҳар кунли 6-7 литр сут соғиб оляпман. Рўзгордан ортганини сотиб, кам-кўстимизга ишлатяпмиз.

Ҳа, бир аёлнинг кўзидан ёш, қалбидан ғам аригани эътирофга лойиқ воқеа. Навбахор



оиласининг яқин йилларда ўз иқтисодий шароитларини яхшилаб олишига ишонади.

Манзилли дастур асосида Хива туманидаги 17 та оилага қорамол, 6 нафар аёлга тикув машинаси, 7 нафар аёлга бир миллион сўмдан кўмак берилди. Бу эса уларнинг рўзгорига баҳма олиб кирмоқда.

Янгиариқ туманидаги «Ro'za Ro'za Gullari» қорхонасига 17 нафар аёлни, иш билан банд қилиш шарти билан уч йил муддатга 150 миллион сўм имтиёзли кредит берилган эди. Қисқа муддатда Гулланбоғ қишлоғида қорхонанинг янги биноси қуриб битказилди. МЧЖда илгари 4 нафар ишчи фаолият кўрсатаётган бўлса, эндиликда 23 нафар киши иш билан банд. Уларнинг 17 нафари аёл. Ҳозирда улар болалар боғчалари учун кўрпа-

ёстиқ тикишяпти. Қорхона ўтган икки ойда 84 миллион сўмлик тикувчилик маҳсулотлари сотишга муваффақ бўлди. Аёллар ишига яраша 700 минг сўмдан 1 миллион 500 минг сўмгача ҳақ олишяпти. Қорхонада касабани уюшма кўмитаси ташкил қилиниб, Зухра Бобонова бошланғич ташкилот раиси қилиб сайланди. Жамоа шартномасида хотин-қизлар манфаатларини ифодаловчи қатор шартлар борлиги янги иш бошлаган қишлоқ аёлларини мамнун қилди. Бу аёллар илгари ҳеч қаерда ишламаган, фақат пахта терими мавсумида бир-икки сўм пул топиш имконига эга бўлган. Эндиликда ҳар ойда иш ҳақи олаётгани уларга ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қилиш имконини бермоқда. Улар билан суҳбатлашганимизда, оилаларидаги жанжаллар барҳам то-

## Ишчи гуруҳ фаолияти

пганини, ҳам ишга, ҳам рўзгор юмушларига бемалол вақт топишганини айтишди. Қорхонада тез орада новвойлик ҳам йўлга қўйилади.

— Биз қадим Хоразм нонларини қайта тикламоқчимиз. Момоларимиздан эски рецептларни ўргандик, — дейди Зухра Бобонова.

Ҳа, аёлга имкон берилса бас, янги ғоялар ўз-ўзидан келаверида, қўллаб-қувватланса, бу ғояларни амалга ошириш ҳам опа-сингилларимиз учун қийинчилик туғдирмайди.

**Умуман, шу кунга қадар вилоят бўйича ўз-ўзини банд қилиш имкониятига эга хотин-қизлардан 237 нафарнинг бандлиги таъминланди. Бунинг учун 1 миллиард 55 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, 56 нафар аёлга соғин сизир, 72 нафар аёлга тикув машинаси, 6 нафар аёлга пишириқ ва нон пиширишга мўлжалланган печ олиб берилди. 66 та хонадонга иссиқхона, 10 нафар аёлга новвойхона қурилди.**

9 та қорхонага 628 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, 66 нафар аёлнинг доимий бандлиги таъминланди. 27 нафар аёлнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун маиший техникалар олиб берилди, 167 нафар аёлга соғлигини тиклаши, коммунал тўловлардан қарзини тўлаши учун моддий ёрдам кўрсатилди, 50 нафар аёлнинг фарзандларига кийим-кечак олиб берилди. 10 нафар аёлга касабани уюшмалари тизимидаги санаторийларда ўз соғлигини тиклашлари учун бепул йўлланма ажратилди.

— Амалга оширган ишларимиздан қиладиганларимиз кўпроқ, — дейди Хоразм вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Бахтиёр Исмоилов. — Тез орада 70 нафардан зиёд опа-сингилмиз ўз уйига эга бўлади, 40 дан зиёд аёлларнинг уйлари таъминланади ва 270 нафардан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланади. Бу хормлиқ аёлларнинг муаммолари ечим топаётганидан далолат бериши баробарида юртимизда амалга оширилётган ислохотларда касабани уюшмаларнинг ҳиссаси ҳам ошииб бораётганининг ёрқин кўринишидир.



Мухаббат ТўРАБОВА,  
«ISHONCH»

## Оғриқ тишлар...

йил давомида қатнаб ёки стационар шароитда даволанувчи беморлар билан банд бўлади. Қолаверса, кейинги йилларда тиббий маданиятга риоя қилувчи ҳамюртларимиз сафи ҳам кенгайиб, ўз-ўзини турли касалликлардан профилактика қилиш учун шифохорга қатновчилар сони ошиб борапти. Шифохона ҳудуди эса экологик жиҳатдан покиза бўлиши, у ёки бу бурчағида ишлатилган тиббий буюмлардан ҳосил бўлган чиқиндилар тўпланиб қолмаслиги шарт. Уларни бошқа турдаги чиқиндиларга қўшиб, махсус машиналарга ортиб бўлмайдики, турган-битгани

бошқармаси матбуот хизмати маълумотларига кўра, шу йилнинг дастлабки саккиз ойи давомида 3 нафар (!) фуқаро муфел печлардан беизиб бошқармага арз қилибди. Яна бешта ҳолатга эса тизим инспекторларининг ўзлари йўл-йўлакай гувоҳ бўлишган. Хуллас, тиббий чиқиндиларни ёқиш қоидаларини бузгани учун бир нафар масъул шахсга энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдориди, етти нафар мутасаддига эса икки баравари миқдориди жарима солинган. Бўлди, бор гап шу.

Ҳозир нима кўп — тиббиёт муассаси кўп. Дейлик, Андижон вило-

жарима солишади, аммо муфел печларнинг ишлаганига тўсқинлик қила олишмайди.

Қолган гапни вилоят санитария-эпидемиология назорати бошқармаси мутахассиси, эксперт Гулнораҳон Йўлдошевадан эшитасан:

— Аслида, тиббий буюмларни шифохона ҳудудида ёқиб бўлмайди. Аҳоли пунктидан олиш ҳудудда, махсус ажратилган майдонда, белгиланган санитария талаблари асосида табиий газда эритиб йўқ қилиниши керак. Ривожланган давлатларда табиий газ чиқинди ёқилган заводлар овлоқ жойларда қурилан. Барча шифохоналар завод билан шартнома ташди ҳамда ҳар кун белгиланган соатларда чиқиндини етказиб келишади. Шартномада кўрсатилган вақтдан биروز кечикса ҳам заводга катта миқдорда жарима тўлади. Чунки бу каби йирик муфел печлар табиий газ билан доимий равишда 900-1000 даража иссиқликда ушлаб турилади. Бизнинг шифохоналаримиздаги ҳозирги муфел печлар эса иложсизликдан, бор имкониятдан келиб чиқиб тайёрлангани боис, нафас йўлларида жиддий зиён етказувчи астма касалликларини келтириб чиқариш хавфи жуда юқори. Нафақат юқумли, балки ўпка билан боғлиқ ҳамда аллергик касалликлар ҳам кўзга ётади.

Хулоса шуки, биргина Андижонга эмас, бутун мамлакатта тааллуқли муаммо юзасидан энг жўяли ечимлардан бири — ривожланган давлатлар тажрибасини кечиктирмай қўллаш зарур. Масала жамият саломатлигига, миллат келажагига дахлдор экан, соҳага масъул ҳеч бир мутасадди бефарқ бўлмалиги керак.

Нурилло НЎЪМОНОВ,  
«ISHONCH»



Хуқуқ

# Қимматга тушган бўшатиш

Термиз тумани «Наврўз» маҳалласида яшовчи Иброҳим Қорабоев иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, ўз вазифасига ишга тиклашга ёрдам беришни сўраб, Сурхондарё вилояти касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилган эди.

Мазкур мурожаат асосида аниқланган ҳолатларга кўра, Иброҳим Қорабоев 2017 йил июнь ойидан бошлаб «6-механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамият шаклидаги тобе хўжалик жамиятида меҳнат фаолиятини бошлаб, турли лавозимларда ишлаб келган. Шу йилнинг январидан бошлаб бош механик лавозимига ўтказилган. Шу даврда И.Қорабоев меҳнат муносабатларини бузгани учун бир неча маротаба қўшимча рағбатлантириш пули олишдан маҳрум этилган.

«Ўзқишлоқэлектрқурилиш» АЖ ҳамда «6-механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамият шаклидаги тобе хўжалик жамияти раҳбариятининг топшириқларини ўз вақтида, белгиланган муддатларда бажармагани учун Иброҳим Қорабоев билан тузилган меҳнат шартномаси шу йил 2 июндан бошлаб Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3,4-бандларига асосан бекор қилинган.

Ўрганишлардан маълум бўлдики, иш берувчи И.Қорабоев билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3,4-бандларига асосан бекор қилишда бир қатор хатоликларга йўл қўйган.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 107-моддаси 1-қисмида «Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади» деб кўрсатилган. Аммо буйруққа жамият бош муҳандиси Д.Аминов иш берувчи сифатида ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ваколати бўлмаса-да, имзо чеккан.

Мазкур кодекснинг 182-моддаси 2-қисми талабига кўра, интизомий жазо қўлланилишдан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозимлиги ҳамда мазкур кодекснинг 102-моддаси 5-қисмида ходим камида уч кун олдин хабардор қилиниши ёки компенсация пуллари билан алмаштирилиши белгиланган.

Ўрганишда иш берувчи И.Қорабоев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин ушбу талабларни ҳам бажармагани маълум бўлди.

Меҳнат кодексининг 101-моддаси 1-қисмида «Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касабани уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдидан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди» деб кўрсатилган.

Ушбу қорхонанинг 2018-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2.1.2.2.-бандида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина касабани уюшмаси кўмитасининг олдидан розилигини олиб амалга оширилиши белгиланган. Аммо иш берувчи И.Қорабоев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда бошланғич касабани уюшмаси кўмитасининг розилигини олманган.

Ўрганиш натижалари асосида И.Қорабоевнинг манфаатини кўзлаб судга даъво ариза киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2020 йил 5 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилди. Иброҳим Қорабоев ўз вазифасига ишга тикланди, мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақлари ҳамда ўртача ойлик иш ҳақи миқдориди маънавий зарар ундирилди.

Зариф ХОЛОВ,  
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори



Андижон вилояти

Ҳеч эътибор берганмисиз, юртимиздаги аксарият даволаш муассасалари ҳовлисида баландлиги 15-20 метр келадиган мўриқлар ўзоқдан ҳам кўзга аяққол ташланиб туради.

Қарийб ҳар кун маълум вақтларда — асосан пешиндан кейин ярим соат-бир соат давомида бу мўриқлардан қуюқ тутун ҳалқа-ҳалқа бўлиб ҳавога ўрлайди. Шабада эсиб турган пайтларда-ку, айтманг — чор атрофини аччиқ дуд ҳиди тутиб кетади. Бу — ўтин ёки кўмирнинг эмас, ишлатиб бўлинган бир марта фойдаланиладиган шприцлар, осма укол системалари каби тиббий чиқиндиларни ёқилган муфел печлардан чиқаётган тутун.

Яқинда бемор танишимизни йўқлаб Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига йўлимиз тушди. Аини тиббий чиқиндилар ёқилган вақтда борибмиз. Муассаса дарвозасидан атиги ўн беш қадамча нарида (!) жойлашган муфел печ ишлаб турибди. Боз устига, мўрининг ёрилган жойлари ҳам бор чоғи, ҳудудни нафасни бўғадиган

# ШИФОХОНА МЎРИСИДАН ЎРЛАЁТГАН «ДАРД»

## ёхуд муфел печлар муаммолари қачон бартараф этилади?

сассиқ ҳид қоплаган. Енгил шамол ўйнаб тургани боис, ҳавога чиқаётган тутун, ҳатто, беморлар ётган палаталар томон йўналяпти. Шифохонада даволанувчилар, келиб-кетаётган меҳмонлар, атрофдаги хонадон соҳиблари, муассаса қаршисидаги қатор дорихона-ю савдо дўконлари ходимлари — ишқилиб, муассаса яқинида инсон зоти борки, бирдек «бахра» олишяпти.

Таассуфки, аини ҳолатни бугун вилоятдаги, жумладан, Андижон шаҳридаги ҳар бир шифохона мисолида кузатиш мумкин.

Келинг, масалага тиббиёт муассасалари нуқтаи назари билан қарасанг: ҳеч бир иссиқ жон хасталиқдан қафолатланмаган, шу маънода деярли барча муассасалар

инфекция. Бирдан-бир чораси — ёқиб йўқ қилиш. Шу сабаб улар ҳар кун бир жойга тўпланиб, зарарсизлантирувчи эритмали сувга солинади. Сувда маълум дақиқа тургач, ҳўл ҳолида печга солиниб, ўт қаланади. Қувурлардан ўзоқ вақт бурқисиб тутун чиқилишининг сабаби шундан.

«Қайтанга, бу ҳолат соғ одамни ҳам касал қилади — турган-битгани зарар-ку», деган эътирозга жавоб тарзида ҳақли савол кўндаланг қўйилади: ҳўп, унда қаерда ёқайлик?

Бу саволга жавоб излашдан аввал вазиятга нисбатан экологларнинг иш тутуми билан танишайлик-чи... Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

ятининг ўзида давлат ихтиёридаги ва хусусий секторга қарашли юзлаб шифохоналар фаолият кўрсатяпти. Шундан келиб чиқилса, экологлар жаримага тортган 8 та муассасадан ташқари қолган барча шифохоналарда муфел печлар фаолияти талабга жавоб беради, деб ҳисобласак бўладими?

Йўқ, аслида, бирортаси талабга жавоб бермайди. Негаки, муфел печлар ҳар бир шифохонанинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган ҳамда санитария меъёрлари ҳам мавжуд вазиятга асосланиб қабул қилинган. Экология муҳофазасига маъсул мутасаддилар эса ана шу меъёрлардан келиб чиқиб, нари борса

**Устоз журналист Қурбон Эшматов пенсияга чиққан бўлса-да, кўнгли ва кўриниши анча ёш, қалби покиза, феъли ҳамон ҳудди қирқ ёшдагидек «қақир-қуқур» эди. Одамзод учун олтимшдан кейин ҳам ўттиз беш, қирқ ёшлардаги феъли, жўмардлиги, тантилиги-ю жасоратини сақлаб қолиш жуда мўшкўл масала.**

**Б**ироқ Қурбон Эшматов Яратганининг шундай буюк марҳаматига, илтифотига эришган инсонлардан бири эди. Менга шундай инсон билан саккиз йил бирга, елкама-елка ишлаш насиб қилди. Беш йил давомида битта хонада ўтириш каминага кўп нарсани ўргатди. Шу йиллар давомида бирор марта устознинг нолигани, кимдандир хафа бўлгани, кимнидир гийбат қилганини кўрмадим. Устозга шунинг учун ҳам кўпчилиكنинг ҳаваси келган бўлса, ажаб эмас.

либ эшиқдан бўй кўрсатверади. «Ажажон, кирсак бўладими, салгина маслаҳатингиз, ёрдамингиз керак

# Олтин одам, жўмард журналист эди

эди. Йўқ деманг!» Энг муҳими, устоз кутаётганларнинг ҳожатини чиқаради.

Гоҳида ташқарига чиқиб, бир дона сигарета тутатади. Шу чиқишда хонага қайтиб крмайди. Ё радиога ёки телевидениега кетиб қолади. Куттилмаганда тўппа-тўғри бирон вилоятга ҳам жўнаб юбораверади. Узи хон, ўзи бек! Яна бош муҳаррирнинг

ерларда юрганини сўрамайди ҳам. Аммо тез орада Қурбон Эшматовнинг ишга келмагани билан боғлиқ баҳоналари барча араз-у гиналарни тарқатиб юборади. Яна қизгин иш кўни бошланиб кетади.

Қурбон Эшматовда шундай хислат бор эдики, қаерда ишлаган бўлса-да, бирорта бош муҳаррир ишдан ҳайдамаган, жаҳл устида қаттиқ гапирмаган ҳам. Онда-сонда иш

тушган, ака», десам, устоз «Бунинг сабабини биласанми?» деб сўрайди. Саволига жавоб тополмай елка қисаман. У киши кўзойнагини ўрта бармоғи билан бироз тўғрилаб гап бошлайди: «Ҳар йили киши фаслида онажонимни Тошкентга олиб келаман. Янган ҳар кўни ювинтириб, сочларини тараб кўяди. Ҳафтасига бир марта мен онажонимни оёқларини тиззамга қўйиб, тирноқларин олиб



қўймак, дуосини оламан»...

Қўйил қоламан. Гапнинг тўғриси айтганда, аксарият фарзандлар худди шу ишни қилолмаган. Ҳаттоки, айрим замондошларимизнинг хаёлига ҳам келмаган оналарни худди шундай ардоқлаш, уларга меҳр бериш. Ўзим ҳам устозимизнинг онасига кўрсатган мана шундай иззат-икромни онамга қилолмаганман.

Устоз билан орамизда бўлиб ўтган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Янглишмасам, 2016 йилда «Фермер» журнали тахририяти биноти чиройли қилиб таъмирланди. Қурбон ака билан бир хонада ишлаш бошлади. Кўнларнинг бирида устозни қадрдон дўстлари сўроқлаб келди. Салом-алиқдан сўнг устоз менга бир чойнак чой дамлашни буюрди. Миқ этмай ба-

## Яхшилар ёди

жардим. Чой ичилди, дўстларнинг суҳбати қизигандан-қизиди. Чой дамлашлар ҳам давом этди. Қадрдон меҳмонларнинг олдида устозга ҳазиллашдим:

– Менга ҳаммаша чой дамла, чой кўй деярверасиз. Аслида мен бош муҳаррир ўринбосари бўлсам, сиз бор-йўғи бўлим бошлиғисиз. Шундан келиб чиқадиган бўлса, кимкимга чой дамлаб бериши керак?

Устоз ҳазилини дарров тушунди. Буйруқни авжига чиқарди:

– Иним, ҳали сен бизни зиёфатга ҳам олиб борасан. Аҳмоқ бўлмасанг, мен билан бир хонада ўтирасанми? Тур ўрнингдан, «Миллий таомлар» ошхонасига жўна. Бизга уйғурча лағмон, лимонли чой бурюрма қил. Сенга ўн дақиқа вақт берман. Жўна...

Хонада гуриллаган кулги кўтарилди. Мана шу ҳазилимиз Қурбон аканинг дўстлари Анвар Абдувалиев, Аҳрор Аҳмедов, Қуддус Аъзамов, Норқобил Жалил, Фарҳод Рўзиев ўртасида яхшигина ҳажвияга айланиб кетди. Бу гап тўйларда, туғилган кун базмларида, катта-кичик давраларда кўп бор такрорланди. Ҳатто устоз ёзаётган китобга ҳам киритилди.

Устозимиз Қурбон Эшматовнинг яна бир ёқимли хислати шуки, у киши мутлақо одам танламас, эшиқдан кириб келган ҳаммага бирдек муомала қилар эди. Бирорта журналист ишдан ҳайдалаётган бўлса, дарров ўртага тушар, имкон қадар бош муҳаррирларни фикрдан қайтарар эди. Шахсан менга ҳам бу борада жуда кўп ёрдами теккан. Баъзида устознинг кўрсатган мулозиматларидан хижолат бўлардим. «Қўйинг, устоз, буниси сал ортиқча бўлади» десам ҳам менга билдирмасдан инсонийлик бурчини ими-жиммида бажариб кўяр эди.

Минг афсуслар бўлсинки, мана шундай бағрикенг, ҳотамтой, мард бир инсон орамиздан кетди. Менимча, устозимиз ёзган минглаб мақола ва очерклар сингари у кишининг беғубор ҳазиллари, маъноли гурунглари ҳам бугунги ўзбек журналистлари қалбига бир умр муҳрланиб қолиши шубҳасиз.



Нормурод МУСОМОВ, «ISHONCH»

**Самарқанд вилояти**

**Бузилган ҳуқуқни тиклаш, ходим манфаати ҳимоясини таъминлаш касба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Шу боис «Худудгаз Самарқанд» МЧЖда ишловчи Умирбоқ Бозоров ўзига кўрилган интизомий чорадан норози бўлиб касба уюшмаларига мурожаат қилган.**

## Касаба уюшма аралашгач... АЙБСИЗГА АЙЛАНГАН АЙБДОР

Аслини олганда, газ идораси ходими ишдаги ноҳўя ҳаракати боис бундай «сўйлов»га муносиб кўрилган эди.

Шу йилнинг 26 март кўни «Худудгаз Самарқанд» МЧЖ ходимларидан иборат ишчи гуруҳи Умирбоқ Бозоровнинг иш фаволиятини ўрганиб, аниқланган камчиликлар юзасидан далолатнома расмийлаштирган. Ишчи гуруҳи мазкур ҳужжатни шу кўниёқ чора кўриш учун маъмуриятга тақдим этган. МЧЖ раҳбарияти эса орадан бир ойдан кўп муддат ўтгач, аниқроғи шу йилнинг 1 май кўни ходим У. Бозоровни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарган.

Бир қарашда иш берувчи ҳақдек туйлади. Аммо ишдан бўшатишдан ходим мурожаатини ўрганиш чоғида уни жазолашда қонун талаблари бузилгани маълум бўлди.

Гап шундаки, Меҳнат Кодексининг 182-моддаси 5-қисмида интизомий жазо бевосита ноҳўя ҳаракат аниқлангандан кейин барча ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда узоғи билан бир ой ичида қўлланилиши лозимлиги белгиланган. Қайд этилган ҳолатда бу муддат ўтказиб юборилган. Бу эса ходимнинг манфаатларига зиён етказган.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотларининг шу йил 20 майдаги тақдимномасига асосан Умирбоқ Бозоров МЧЖ ўз вазифасига ишга тикланди.

Қонун ҳаммага баробар. Шу боис, унга қатъий риёя этиш зарур. Меҳнат муносабатларида белгиланган меъёр ва тартибларга риёя қилиш иш берувчига ҳам, ходимга ҳам фақат фойда келтиради.

Абдунаби ТУРСУНОВ, Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг етакчи юристконсулти

## “

жҳли чиқади. «Энди кечирмайман, тамом, ишдан ҳайдаймаман!» дейди. Орадан бир-икки кун ўтиб, устоз пайдо бўлса, узоғи билан ярим кун худди аразлагандек муомала қилади. Хонасига қақирмайди ҳам, қаса-да, мутлақо пинагини бузмасди. У кишидаги жасорат ҳақиқатан ҳам табиий ва туғма эди.

Мен устознинг хайру-баракасига, тантилигига жуда-жуда ҳавас қилар эдим. «Сизга Оллоҳнинг назирига

## ХОНАДА ГУРИЛЛАГАН КУЛГИ КўТАРИЛДИ. МАНА ШУ ҲАЗИЛИМИЗ ҚУРБОН АКАНИНГ ДўСТЛАРИ АНВАР АБДУВАЛИЕВ, АХРОР АҲМЕДОВ, ҚУДДУС АЪЗАМОВ, НОРҚОБИЛ ЖАЛИЛ, ФАРҲОД РўЗИЕВ ўРТАСИДА ЯХШИГИНА ҲАЖВИЯГА АЙЛАНИБ КЕТДИ. БУ ГАП ТўЙЛАРДА, ТУҒИЛГАН КУН БАЗМЛАРИДА, КАТТА-КИЧИК ДАВРАЛАРДА КўП БОР ТАКРОРЛАНДИ. ҲАТТО УСТОЗ ёЗАЁТГАН КИТОБГА ҲАМ КИРИТИЛДИ.

қўймак, дуосини оламан»...

Қўйил қоламан. Гапнинг тўғриси айтганда, аксарият фарзандлар худди шу ишни қилолмаган. Ҳаттоки, айрим замондошларимизнинг хаёлига ҳам келмаган оналарни худди шундай ардоқлаш, уларга меҳр бериш. Ўзим ҳам устозимизнинг онасига кўрсатган мана шундай иззат-икромни онамга қилолмаганман.

Устоз билан орамизда бўлиб ўтган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Янглишмасам, 2016 йилда «Фермер» журнали тахририяти биноти чиройли қилиб таъмирланди. Қурбон ака билан бир хонада ишлаш бошлади. Кўнларнинг бирида устозни қадрдон дўстлари сўроқлаб келди. Салом-алиқдан сўнг устоз менга бир чойнак чой дамлашни буюрди. Миқ этмай ба-

# АҲОЛИ КўПАЙМОҚДАМИ ёКИ КАМАЙМОҚДА? ёХУД ДУНёНИНГ ДЕМОГРАФИК ҲАРИТАСИГА НАЗАР

**Статистик маълумотларга кўра, ер юзида туғилишлар сони йил сайин қисқариб бормоқда. Аҳвол шу суръатда давом этса, аср якунида жаҳондаги аксар мамлакатларнинг аҳолиси камайиб кетиши мумкин. Хусусан, Испания ва Япония каби 23 мамлакатда аҳоли сони икки баробарга камайиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу эса жаҳон бўйича кексалар жамиятининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.**

Туғилиш даражаси кўрсаткичи бир аёлнинг дунёга келтирадиган чақалоқлар сони билан ўлчанади. Агар бу кўрсаткич тахминан 2.1 даражадан тушиб кетса, аҳоли сони камай бошлайди. 2.0 кўрсаткичи ота ва она икки фарзанд кўришини ва ўз навбатида бу аҳоли сони ўзгармай сақланишини англатади. Бироқ соғлиқни сақлаш тизими яхши йўлга қўйилган давлатларда ҳам барча чақалоқлар яшаб кетмайди. Бундан ташқари, чақалоқлар ичида ўғил болалар сони бироз кўпроқ бўлади. Шу сабабли ривожланган давлатларда ёшлар ва кексалар ўртасидаги нисбатни ижобий сақлаб қолиш учун туғилишлар сони кўрсаткичи 2.1 бўлиши талаб этилади.

1950 йилда аёллар умри давомида ўртача 4.7 нафар бола кўрган. Вашингтон университет тадқиқотчиларининг ҳисоб-китобига кўра, жаҳондаги туғилиш даражаси кўрсаткичи 2017 йилда 2.4 ни ташкил этган. Бу рақам 2100 йилга қадар 1.7 га тушиб кетиши тахмин қилинмоқда. Тадқиқотчиларнинг тахминий ҳисоблашича, дунё аҳолиси 2064 йилга қадар 9.7 миллиардлик кўрсаткичга чиқади. Аср сўнгида эса бу 8.8 миллиардга тушиб кетади.

Аёлларнинг борган сари таълим, ишга кўпроқ эътибор қаратаётгани ҳамда ҳомилдорликни олдини олиш воситалари туғилиш даражасига салбий таъсир кўрсатаётгани омиллардир. Буни, айниқса, ривожланган давлатлар мисолида яққол кўриш мумкин. Масалан, 2017 йилда Япония аҳолиси 128 миллион нафар бўлган. Аср охирида японлар сони 53 миллиондан камроқни ташкил этиши тахмин

нинг реал даромадлари кейинги тўрт йил давомида пасашиб кетаётгани меҳнатга лаёқатли одамлар сонининг камайиши, кексалар сонининг эса кўпайишини англатади. Ишчи кучининг камайиши, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий ўсишини ҳам секинлаштиради. Хозирги пайтда Россия меҳнат бозорига кадрлар етишмовчилиги кузатишмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг камайиши пенсиянерларни қўллаб-қувватлаш учун ишлайдиган фуқароларга юклама юклайди. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариши муаммосини туғилишнинг кўпайиши еки меҳнатқаш мигрантлар оқимигагина ҳал қилиши мумкин.

Туғилишлар сонини ошириш ва аҳоли нуфусининг камайишига йўл қўймастик мақсадда Россия ҳукумати кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги чора-тадбирларни жорий этди. 2018 йил 1 январдан бошлаб Россиядаги оилалар биринчи ва иккинчи фарзанд туғилгани учун ҳар ойда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳукумат аҳоли сонини кўпайтириш бўйича «Демография» деб номланган миллий лойиҳани ишлаб

**Халқаро ҳаёт**

Чунки шу сабабли мамлакатда репродуктив ёшдаги аёллар сони сезиларли даражада камайган. Тез орада Ҳиндистон аҳоли сони бўйича Хитойнинг ўрнини эгаллаши мумкин. Шу тарихи 195 мамлакатнинг 183 тасида туғилиш даражаси жамиятни ёшлар билан етарли таъминлайдиган кўрсаткичдан тушиб кетган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дунё аҳолисининг ортиб бориши, айниқса, табиат учун жиддий муаммога айлангани бот-бот эътироф этилган. Кўпчилик аҳоли сонининг камайиши жаҳондаги аксар муаммоларни юмшатади, деб ўйлаши мумкин. Лекин қариялар сони ёшларниқидан ортиб кетаётгани бунинг ақсини кўрсатмоқда. Вашингтон университетининг ҳисоботида айтилишича, беш ёшдан кичиклар сони 2017 йилдаги 681 миллиондан 2100 йилда 401 миллионга камайди. 80 ёшдан ошганлар сони 2017 йилдаги 141 миллиондан 2100 йилда 866 миллионга етади. Бу эса жиддий ижтимоий ўзгаришга олиб келиши аниқ. Кексалардан иборат жамиятда солиқлар ва қарияларнинг саломатлиги учун тўловлар тўлаш кимнинг гардонига тушади? Одамлар нафақага чиқмай, ишлашига тўғри келадими? Бундай саволларга жавоб бериш ҳозирча мушкул.

Дарвоқе, буюк Британия каби бой мамлакатлар миграция ҳисобига туғилиш даражаси камайиши оқибатларини юмшатиб келмоқда. Бироқ давлатлар сони камайиб кетганда бу усул иш бермай қўйиши табиий. Айрим мамлакатлар ота-оналар учун мақбул таътиллер, болалар учун бепул тиббий хизмат, молиявий қўллаб-қувватлаш тизимларини ишга солган, аммо ханузгача ҳеч қаерда муаммонинг аниқ ечимини топишмаган. Баъзилар шундай муаммо пайдо бўлса, аёллар кўпроқ бола туғиб кўя қолади, деб ўйлайди. Лекин туғилиш даражасини ошириш бу қадар осон ҳал бўладиган иш эмас. Бу эса одам зоти эртақлардаги анқонинг уруғига айланиб қолмас эди, деган иштибоҳни ҳам тўғридаши мумкин. Лекин бу ҳозирча бор-йўғи тахмин, холос.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ, сиёсий шарҳловчи





Таассурот

Яқинда бир гуруҳ ижодкор устозу дўстлар биргаликда мустақиллик байрами арафасида халқимизга тўхфа этилган янги йўллар, бинолар, корхоналар билан яқиндан танишдик. Метро поездлари янги, вагонларнинг биридан бирига ўтиш-қайтиш мумкин, бу эса йўловчилар учун ўзига хос қулайлик. Дастлаб Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишидаги иккита бекатни кўрдик.

## БУНЁДКОР ЭЛ ҚУДРАТИ

Истиқлол иншоотларида халқимизнинг юксак илм-у тафаккури намоён бўлмоқда



**Файрат МАЖИД,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
раиси ўринбосари,  
шоир

кейтибди. Йўллар аввалгисига қараганда анча кенг, раво. Транспорт воситалари эркин ҳаракат қилади. Кўчанинг икки тарафи гоё тўзғал тарзда обод қилиб қўйилган.

Метрони ер ости тулпори, деб билар эдик. Ростдан ҳам шундай. Мана, бугунги кунда ер устида ҳам чопадиган темир тулпорлар йўловчиларга хизмат қилишни бошлаб юборди. «Дўстлик» бекатидан «Қўйлик» бекати сари юрар эканмиз, шаҳар манзаралари эътиборимни тортиди. Дов-дараклар, кўп қаватли уйлар, ҳовли-жойлар, метро яқинидаги йўлларда ҳаракат қилаётган машиналар қарвони, одамларнинг ҳаракатлари... Худди альбомдаги суратлар янглиғ кўз унгиғиздан бир-бир ўтаверди. Бирам завқли, бирам тотли. Ер усти метро-сида юриш ҳам саёҳат, ҳам меҳнат-у ўқишга, бирор юмушга елаётган инсон учун энгиллик экан. Ҳозирча етти бекати ишга тушган ер усти метрополитени ҳалқа йўлининг қолган бекатлари ҳам ишга тушса, қулайлик устига қулайлик бўлишига асло шубҳа йўқ.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани ҳудудида барпо этилган «Ассалом соҳил» турар-жой мажмуаси, «Технопарк» ҳудудида амалга оширилган йирик лойиҳалар, Фарғона йўли кўчасини мукамал таъмирлаш ишларининг бориши билан танишар эканман, кўнглимдан бутун дунёда таҳликали вазият ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда бу каби кенг қўламли бунёдкорлик ишларини тўхтатмасдан амалга ошириш чинакамига жасорат, фидойилиқдир, деган фикрлар кечди.

Бу халқ ана шундай фидойи, тадбиркор, ғайрат-у шижоати баланд, келажакка бўлган умиди қуёш янглиғ порлоқдир. Энг асосийси, илму маърифати юксак халқдир бу. Соҳибқирон Амир Темурнинг «**Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқингиз**», деган сўзи бор. Албатта, буюк саркарда қурдирган иморатларининг ўзи билангина ифтихор этмаган. Балки шундай мухташам биноларни қурган илм-у тафаккури юксак халқ билан ғурурланган. Демокримизки, бу ислоҳотлар, бу бунёдкорликлар катта билим, тафаккур, улкан гоёлар маҳсули эканини бир дам ҳам хаёлдан чиқармаслигимиз керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишлаган тантанادا сўзлаган нутқида «**Халқимизда «Кўз – кўрқоқ, кўл – ботир» деган чуқур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳкам боғлаб, пок ният билан меҳнат қилсак, шубҳасиз, кўзлаган марраларимизга эришамиз**» деди.

Ишонаманки, шу умид ва истаклар заҳматкаш халқимизга яна қанот бағишлайди. Ва бу хайрли ишлар бутун мамлакат бўйлаб қулоч ёзаверади.

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА – ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИКДА

Мустақиллик байрамимиз арафасида бир гуруҳ зиёлилар янгидан фойдаланишга топширилган бунёдкорлик объектлари билан танишдик.



**Исажон СУЛТОН,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган маданият ходими,  
ёзувчи

Юнусободдаги Аҳмад Дониш кўчасининг аввалги аҳолини кўпчилик биледи. Икки тор йўлнинг ўртасидаги қаровсиз, замон талабларига жавоб бермай қолган чакказор ўрнида кўп йўлакли кенг ва қулай йўл бино қилинибди, унинг икки томонида эса турли-туман хизмат кўрсатиш ва офис бинолари жойлашган.

Йўлнинг мухташамлиги, қулайлиги ва замонавий ечимлари ҳақида сўзлашар эканмиз, давлат раҳбари унга «**Бу йўл ҳамма нарсани тезлаштиради. Ҳаракатни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ҳаётни ҳам**» деб берган таърифни эсга олдик. Аввало, жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳам бундай кенг йўллар кам учрайди. Қолаверса, давлат раҳбарининг ушбу сўзларини бугунги иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга ҳам татбиқ этсак бўлади. Чунки нафақат транспорт йўли, балки турли-туман соҳаларда амалга ошаётган янги йўналишлар ҳам аини ҳақиқатни кўрсатиб турибди.

Тошкент метроси пойтахтимизнинг кўрки ҳисобланади. Унинг янги линиясида барпо этилган янги бекатлар, уларнинг безалиши ва меъморий-технологик ечимлар кишиларда фахр уйғотиши турган гап. Аввало булар – ўз лойиҳачиларимизнинг, ўз муҳандисларимиз иқтидори билан яратилган бўлса, иккинчиси – мамлакатимизда пандемия вазиятида халқ саломатлиги йўлида амалга оширилаётган қатор ғамхўрликлар чоғида ҳам бунёдкорлик жараёнлари тўхтаб қолмаганини, мутахассисларимиз фидокорлик ва ватанпарварлик билан ушбу қурилишни давом эттиргани таҳсинга лойиқ.

Ер ости бекатларининг безалиши аввалгилардан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Қолаверса, янги давр руҳини ўзида мужассам этган. «Юнусобод» ва «Туркистон» бе-

катлари кенг-мўл, шифтлари баланд қилиб қурилган, шунингдек, пойтахтда ва ҳудудларда амалга оширилаётган кенг миқёсли замонавий бунёдкорлик ишлари дизайнига ҳамоҳанг, янгиланиш руҳини ифода этади.

Мустақиллик байрами кунларида Тошкент метроси пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатгани учун қизикувчан юртдошларимиз талайгина, улар орасида оиласи билан томошага келганлар ҳам бор. «Туркистон» бекати учун метросозларга алоҳида раҳмат айтса арзийди: бу ерда юртимиз тарихи ва бугунимизнинг янгиланаётган шиддати тўлиқ акс эттирилибди.

Ушбу метро йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши Президентимизнинг 2016 йил 7 ноябрдаги қарорига мувофиқ бошланган, давлат раҳбаримиз бу ерга бир неча бор келиб, ишларнинг бориши билан танишгани барчанинг диққат марказида бўлган эди. Метро мутахассислари берган маълумотларга кўра, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 103,8 миллион дол-

қамраб олиниши режалаштирилган.

Мустақиллик байрами арафасида кишиларимиз хизматига тақдим қилинган ушбу ҳаёда қисқа давр ичида мамлакатнинг барча соҳаларида – саноатдан қишлоқ ҳўжалигигача, таълимдан соғлиқни сақлашгача, давлат хизматларидан ижтимоий ҳимоягача, жамиятда устувор бўлиши белгилаб қўйилган очиклик, ошкоралик ва адолат тамойилларигача – барча соҳаларини қамраб олган туб янгиланиш жараёнларининг ёрқин мисоли десак, хато бўлмайдми.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида ватандошларимизни улғў байрамимиз билан табриклаб, «**Халқимизнинг улғўвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, аини ҳақиқат бўлади**» деб таъкидлади.

«Ренессанс» иборасига таъриф бера-



лар бўлиб, қарийб 3 километр метро йўли ҳамда «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари барпо этилган.

Янада ёрқин таассуротларни «Дўстлик-2» бекати ҳаёда этди. Мен бир қанча чет эл мамлакатларининг ер ости ва ер усти метро бекатларини кўрганман. Уларнинг аксарияти тор, шифти паст, ертўлага ўхшайди. «Дўстлик-2» эса ҳақиқий ўзбекона бағрикенглик билан, келажакда янада кўпчилик юртдошларимизга хизмат кўрсатишни кўзлаб барпо этилибди. Йўлқўрсаткичлар, маълумот бериш жойлари, ногиронлар учун яратилган қулайликлар, метро киришидаги бутун дунёда кенг қўлланилаётган янги тўлов тизими, беминнат Wi-Fi – буларнинг барчаси халқни рози қилиш учун жон куйдирилганини кўрсатиб турибди.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, ушбу транспорт тармоғи иқтисодиёт ва экология жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Юнусобод йўлидаги янги бекатлар орқали кунига 7,5 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатилади. Натижада автобуслар йўналиши оптималлашиб, автомобиллар тирбандлиги камаёди. Йилига 5,3 минг тонна зарарли газнинг атмосферага чиқилишининг олди олинади. Тошкент метрополитенидан кунига 240 минг, ойига эса 7 200 000 нафар йўловчи фойдаланади. Жами 21 километрдан иборат учта янги – Юнусобод, Сергели ва Қўйлик йўналишлари қурилиши натижасида яна 150 мингдан зиёд киши

диган бўлсак, у француз ва италян тилларида, хусусан лотинчада «қайта туғилиш» маъносини беради. Ушбу ибора Европада рўй берган уйғониш ва қайта ёйғониш даври дунё тараққиётига муҳим таъсир кўрсатгани, айнан янгиланиш ва ҳаётбахш мазмунларни ўзида жо этгани учун ҳам кенг қўлланилади. Юртимиз эса Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур. Халқимизнинг улғўвор қудрати буюк ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ғарба Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари ўнлаб мутафаккирлар, яъни илм-фан асосчилари қилган кашфиёт ва изланишларда намоён бўлиб турибди. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиновий, Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари аждодларимиз номи эса нафақат ислом олами, балки жаҳон цивилизацияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Яратувчилик ва бунёдкорлик анъаналарини давом эттирган ҳолда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли туб ўзгаришлар давлат раҳбари таъкидлаган улғў юксалишининг – учинчи ренессанс даврининг тамали эканига шубҳа йўқ.





# «НАВОИЙАЗОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ ҲАМДА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Азим СУЮН

## ЎЗБЕК ДАВЛАТИ

Бир кам дунё бутундир бутун,  
Юраклардан ечилди тугун.  
Кўнгиллар шод, чеҳралар гулгун,  
Мустақиллик – Оллоҳ неъматини,  
Яша, юксал, Ўзбек Давлатини!

Қарга, зоглар солмагай соя,  
Орзуларга йўқдир ниҳоя.  
Авлодларга боқий ҳикоя,  
Шарафлидир инсон меҳнатини, –  
Яша, юксал, Ўзбек Давлатини!

Жаҳон бўйлаб кўчмоқда шонинг,  
Муқаддасан – ҳалолдир нонинг,  
Фарзандларинг – қилич, қалқонинг.  
Ўзбекистон – олам жаннатини, –  
Яша, юксал, Ўзбек Давлатини!

Барча юртдошларимизни  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК  
БАЙРАМИ БИЛАН

самимий қутлайди.  
Ушбу улуғ айёмда барчага  
сиҳат-саломатлик, оилавий бахт  
ва омад ёр бўлишини тилаймиз!  
Гўзал ва бетакрор юртимиз  
ҳамиша тинч ва фаровон бўлсин!  
Меҳнаткаш ва олижаноб,  
бағрикенг халқимиз доимо  
соғ-омон бўлсин!  
Яратганинг ўзи барчамизни  
паноҳида асрасин!

## БАЙРАМ ШУКУҲИ ЮРТИМИЗНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!

# АО Navoiyazot



### Митти ҳикоялар

## Мурувват ва муҳаббат

Бева жувоннинг ҳаёти ночор эди. Кекса ҳамсоялар унга мурувват қилиб юришди.

Жувоннинг ҳаёти ўнглаиб кетди ва кексаларни ношудликда айблаб бошлади. Унинг кўнгли муҳаббатни тусаб қолган эди.

## Бу дунё «дўзахи»

Бир одам «У дунёдаги дўзах ҳам, дўзах азоби ҳам менга чўт эмас» дерди.

... ростини айтарди,  
... шаллақи хотин билан яшарди.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ



### Ички туризм

Саяҳатчилар «Ичан қалъа», «Жалолиддин Мангуберди» мажмуаси, «Ниёз Муҳаммад Охун» жомъе масжиди ва бошқа тарихий жойларни зиёрат қилдилар.

– Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, деб бекорга айтишмаган, – дейди Бўха туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулнора Ўрозметова. – Яқинда иш фаолиятимизга қайтамыз. Бу саяҳат бизнинг кўнглимизни кўтарди, бир олам таассуротлар олдик.

Ўз мухбиримиз



## Кўхна воҳа таассуротлари

Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги байрами муносабати билан Тошкент вилоятидаги таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ходимлари ва фахрий устозларнинг 54 нафари Хоразм вилоятига саяҳат қилишди.



## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

тўғридан-тўғри  
музокаралар ўтказиш  
йўли билан ўтказиладиган  
савдога таклиф этади:

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ўтказиладиган савдога «Ўзмилийбанк» бош амалиёт филиалининг 04.09.2020 йилдаги буюртманомасига асосан Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, «Ўратепалик» МФЙ, И.Каримов кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони – 56639 кв.м., умумий қурилиш ости майдони – 2900,52 кв.м. бўлган «Ўзмилийбанк» бош амалиёт филиалига тегишли «Аквапарк» (болалар истироҳат боғи)нинг мулкий мажмуаси (барча инфратузилмалари, аттракционлар, асосий воситалари) қўйилмоқда.

Объектнинг бошланғич баҳоси – 41 862 634 358 сўм.

Савдо 2020 йил 21 сентябрь куни соат 12:00да Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-А уй манзилида бўлиб ўтади.

Савдода иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш савдодан уч соат олдин соат 9:00да тўхтатилади.

Савдода иштирок этиш истигани билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, ҳ/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.

Харидор (савдо солиби) объект сотилиш баҳосининг қолган қийматини олди-сотди шартномаси имзолангандан сўнг фоизсиз муддатли тўлов асосида, яъни 7 (етти) йил давомида тўлаб беради.

Савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, савдонинг ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ақборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар куйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

– **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

– **жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

– **закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.**

– **сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари тўғрисидаги таклифлар талабларга мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган ҳолда икки нусхада тақдим этилади.**

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомалар ва конвертлар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шота Руставели кўчаси 68-А уйда қабул қилинади. Савдода иштирок этиш учун талабгорлар realtorservice@mail.ru. электрон почта ёки 95-170-78-13, 90-805-14-47, 91-564-69-40, 99-084-65-89 телефонларига мурожаат қилишлари мумкин.

Хизматлар лицензияланган  
RR – №0008.

## «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ маълум қилади:

«Ishonch» газетасининг 22.08.2020 йилдаги 85(4370) сонида чоп этилган «5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пули» ўрнига «2 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пули» деб ўқилсин.

Маълумот учун – «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ. Тел: (93) 304-43-95.

Хизматлар лицензияланган

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, «Гулбахор» МФЙ, Гулбахор кўчаси, 15-уй, 14-хонадон учун Касимова Ирина Хасановна (марҳум) номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқлигини сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:



ISSN 2010-5002  
2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва  
«Ishonch-Доверие»  
газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ

(таҳрир хайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,

Анвар АБДУМУХТОРОВ,

Сайфулло АҲМЕДОВ,

Акмал САИДОВ,

Равшан БЕДИЛОВ,

Қутлимурот СОБИРОВ,

Суҳроб РАФИҚОВ,

Шоқосим ШОИСЛОМОВ,

Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,

Нодира КАРИМОВА,

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,

(Бош муҳаррирнинг  
биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ,

(Бош муҳаррир ўринбосари –  
«Ishonch-Доверие» бўлиб),

Меҳридин ШУКУРОВ,

(Масъул қотиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

(Масъул қотиб –  
«Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари хайъти –

(71) 256-64-69

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –

(71) 256-52-89

Миллий-маънавий

қадриятлар ва спорт –

(71) 256-82-79

Хатлар ва муҳбирлар

билан ишлаш –

(71) 256-85-43

Маркетинг ва обуна –

(71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон

Республикаси

Президентининг фармони

ва қарорлари, энг сўнгги

янгиликлар, таҳлилий,

танқидий мақолалар,

хабарларнинг тўлиқ матни

билан танишишингиз

мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон

Республикаси – (+998-99) 889-90-22

Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23

Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31

Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34

Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02

Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28

Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44

Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26

Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55

Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32

Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24

Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01

Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба

сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри таҳрирнинг нуқтаси

назардан фарзданиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев

Саҳифаловчи:

Х. Абдужалолов

Мусаҳҳиҳ:

Д. Орипов

Босишга топшириш вақти – 22:40

Топширилди – 00:30

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.

Ҳажми 4 босма табоқ.

Буюртма Г – 917.

27841 нусхада босилди.

1ашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,

Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба

ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер

марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик

компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорқона манзили:

Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank»

Яшнобод филиали,

Банк коди: 00959,

СТИР: 201133889,

ОКЭД: 58130